

Бир нуруний ўн ёшга масъул



Бугун Термиз туманидаги 4 та секторда ҳам **“Бир нуруний ўн ёшга масъул”** танловининг туман босқичи бўлиб ўтмоқда. Туман Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, туман Маънавият ва маърифат бўлинмаси, туман Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, маънавий кўмакка мухтож ёшлар билан ишлаш, ижтимоий муҳитни барқарорлаштириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик ва раҳмдиллик сингари анъаналарни асраб-авайлаш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу кўрик танлов ташкил этилди.

Танловда ҳар бир маҳалладан нурунийларнинг намунали ишлари кўриб чиқилиб, уларнинг эришган натижалари баҳоланди. Ўзининг ҳаёт тажрибасини ёшларга намуна сифатида ўргатиб, уларга тўғри йўл кўрсатиб, масъуллигидаги ўн нафар ёшлар билан ишларни ташкил қилган нурунийлар тажрибаси бошқа маҳаллаларда ҳам жорий қилиш чоралари кўрилади.